

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2024 йил август ойининг 20 кунда, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, хайъатда,

Раислик қилувчи: А.Абдураззаков;

Халқ маслаҳатчилари: Д.Нарзикулова ва С.Жумаевалардан иборат таркибда;

Судья ёрдамчиси: Д.Тўхтаевнинг котиблигида,  
томонлардан Жомбой туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Нуриддинов, ҳимоячи Р.Ниязованинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми ва 25,273-моддасининг 5-қисми билан судланувчи Сидиков Адхам Умнаткуловичга нисбатан юритилган 1-1406-2401/169-сонли жиноят ишини кўрди.

Судланувчи Сидиков Адхам Умнаткулович, 1985 йил 12 июлда Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, бир нафар фарзанди бор, Жиззах вилояти, Зомин тумани, Ғафур Ғулом маҳалласи, Ш.Насриддинов кўчаси, 22-уйда яшаган, 2024 йил 13 июль куни ушланиб, «қамоқа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасининг нусхасини 2024 йил 1 август куни олган.

Суд хайъати, судланувчининг кўрсатувини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича таҳлил қилиб, гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Сидиков Адхам Умнаткулович, 2024 йил февраль ойининг бошида, М-39 «Олмаота-Тошкент-Термез» автомобиль йўлининг Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Бадал маҳалласи ҳудудидан ўтувчи қисмидаги ер майдонига, тақиқланган бир туп «каннабис» ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, парвариш қилиб, етиштирган ва истеъмол қилишга яроқли қисмларини йиғиб, қуритиб, икки дона целлофан пакетга ва икки дона қоғоз бўлақларига алоҳида қадоқланган жами 163,73 грамм кўп миқдордаги «марихуана» гиёвандлик моддаларини келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф тарзда сақлаб келган.

Шунингдек, судланувчи А.Сидиков, 2024 йил 12 июль куни соат 14:30 ларда, фуқаро Мамашарипов Шоҳруҳ Камолиддин ўғлининг бошқарувидаги Кобальт русумли 25 В 896 МА давлат рақам белгилли автомашинада, ушбу жами 163,73 грамм кўп миқдордаги «марихуана» гиёвандлик моддаларини (автомашинанинг орқа чап ўриндигининг орқа қисмига икки дона целлофан пакетга қадоқланган жами 160,42 грамм «марихуана» гиёвандлик моддалари ва автомашинанинг бардачогига икки дона қоғоз бўлағига қадоқланган 3,31 грамм



«марихуана» гиёвандлик моддаси яширилган) ўтказиш мақсадини кўзлаб, Жиззах вилоятига қонунга хилоф тарзда яшириб ташиб кетаётганлиги, автомашинадан Жомбой туман ИИБ ходимлари томонидан М-39 «Олмаота-Тошкент-Термез» автомобиль йўлининг Жомбой туман Зарафшон маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 1075-километрида тўхтатилиб, кўздан кечирилиши жараёнида аниқланиб, гиёванд моддалар тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Сидиков Адхам Умнаткулович, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, тахминан олти йилдан буён ўпкасида хасталиги бўлганлиги сабабли, соғлиғи ёмонлашиб, ўпка соҳасида оғриқ сезиб, нафаси сиқилиб туриши, шу боис, тахминан бир йилдан буён «марихуана» гиёвандлик моддасини тутатиш йўли билан истеъмол қилиб келиши, хўроз уриштириш ўйинига қизиқиб, яшаш уйида хўроз боқиб, хўрозларини Жиззах вилоятидан бошқа вилоятларга ҳам олиб бориб, уриштириб туриши, хўрозларини уриштириш мақсадида Самарқанд вилоятига ҳам тез-тез келиб туриши, 2024 йилнинг бошида кўчадан «марихуана» гиёвандлик воситасининг бир нечта уруғларини топиб олиб, келгусида экиш мақсадида ёнида сақлаб келганлиги, сўнг 2024 йил февраль ойининг бошида Самарқанд вилоятига хўроз уриштириш мақсадида келган вақтида ушбу уруғларни М-39 автомобиль йўлининг Самарқанд тумани, Бадал маҳалласи ҳудудидан ўтувчи четки кўзга кўринмас жойига ариқнинг бўйига экиб, униб чиққанидан сўнг Самарқанд вилоятига келган вақтида ушбу гиёвандлик ўсимлигини тагини юмшатиб, остига сув қуйиб, парваришлаб келганлиги, 2024 йил июль ойининг бошида Самарқанд вилоятига келган вақтида, ушбу гиёвандлик ўсимлиги етилганлигини кўриб, танасидан истеъмол қилишга яроқли бўлган қисмларини ажратиб, қуритиш мақсадида целлофан пакетга ёйиб, ушбу экилган жойининг ёнидаги кўзга кўринмас жойга яшириб, устини қуриган тиканлар билан ёпиб, яна Жиззах вилоятига қайтиб кетганлиги, 2024 йил 12 июль куни эрталаб Самарқанд вилоятига ушбу марихуанна гиёвандлик моддасини олиб келиш мақсадида бориш мақсадида таниши Мамашарипов Шохрух Камолиддин ўғлидан бошқарувидаги Кобальт русумли 25 В 896 МА давлат рақам белгили автомашинаси билан Самарқанд вилоятига олиб бориб келишини, йўл ҳақи беришини айтганлиги, Ш.Мамашарипов рози бўлганлиги, у билан йўл ҳақини 300.000 сўмга келишганлиги, Ш.Мамашариповнинг «марихуана» гиёвандлик моддасини олиб келиш учун кетаётганлигидан хабари бўлмаганлиги, унга хўрозини сотиш мақсадида бораётганлигини айтган бўлганлиги, хўрозини ҳам олиб олганлиги, хўрозни Самарқанд вилоятида сотиб, пулидан Ш.Мамашариповга йўл ҳақи учун пул бермоқчи бўлганлиги, шу куни соат 12.00ларда Ш.Мамашарипов билан унинг бошқарувидаги Кобальт русумли автомашинасида М-39 автомобиль йўлининг Самарқанд вилоятининг Жомбой туман Зарафшон МФЙ ҳудудидан ўтувчи қисмида жойлашган ошхоналарнинг бирига келиб, овқатланишганлиги, Ш.Мамашариповга автомашинасида ўтириб, дам олиб, ушбу ошхона ёнида уни кутиб туришини, ўзи эса бир оз вақтда келишини айтиб, хўрозни олиб, Ваз русумли йўловчи автомашинада «марихуана» гиёвандлик моддасини қуритиш учун беркитиб кетган жой яқинига бориб, у ерда автомашинадан тушган вақтида, нотаниш киши келиб, хўрозни



сотишини сўраганлиги, унга хўрозни 400.000 сўмга сотганлиги, сўнг ўзи «марихуана» гиёвандлик моддасини яширган жойга бориб қараганида, ушбу гиёвандлик воситалари қуриган эканлиги, ушбу «марихуана» гиёвандлик моддаларини иккита пакетларга бўлиб солиб, бир қисмини йўлда чекиш учун иккита қоғоз бўлагига ўраб, чўнтагида бўлган «Милано» номли сигарета қутисига солиб, гиёванд моддалар солинган иккита целлофан пакетларни яна битта пакетга солиб қадоқлаб, яна йўловчи автомашинада Ш.Мамашарипов кутиб турган ошхона ёнига келганлиги, Ш.Мамашарипов ошхонадан бир оз нарироқда дарахт соясида автомашинасининг рул бошқарув томонидаги ўриндикда ухлаётган эканлиги, автомашинанинг олдига бориб, автомашинанинг орқа ўнг томон йўловчи эшигини очиб, орқа чап томон ўриндиғининг орқа қисмига целлофан пакетга ўралган «марихуана» гиёвандлик моддасини беркитиб, кейин автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғига миниб, яна ёнида бўлган, чекиши учун олиб қўйган «марихуана» гиёвандлик воситасининг бир қисми қадоқланган «Милано» сигарета қутисини эса автомашинанинг олд ўриндиқлари ўртасидаги бордочок қисмига яширганлиги, Ш.Мамашарипов ўйғонганлиги, бироқ «марихуана» гиёвандлик воситаларини автомашинанинг салон қисмига қўйганлигини билмаганлиги, Ш.Мамашариповга Зомин туманига қайтишларини айтганлиги, сўнгра Ш.Мамашарипов билан Жиззах вилоятига йўлга чиқишганлиги, соат 14.30ларда М-39 автомобиль йўлининг Жомбой туман Зарафшон маҳалласи, Ўртабўз қишлоғи ҳудудидан ўтувчи 1075-километрида йўлнинг «Самарқанд-Тошкент» йўналишида кетаётганларида, Ш.Мамашариповнинг бошқарувидаги Кобальт русумли автомашинани ИИБ ходимлари тўхтатиб, холислар иштирокида кўздан кечиришиб, автомашинанинг бордочок қутисидан «Милано» номли сигарета қутисига қадоқланган «марихуана» гиёвандлик воситаларини топиб, автомашина туман ИИБ биносига олиб келинганлиги, сўнг ИИБ ходимлари ушбу автомашинанинг орқа ўриндиғи орқасида бўлган ўзи беркитиб қўйган целлофан пакетларидаги «марихуана» гиёвандлик воситаларини ҳам топишиб, гиёвандлик моддаларини ҳужжатлаштириб олишганлиги, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қонуний енгиллик беришни, кечирим сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Сидиковнинг айби, ўзининг судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жиноят ишнинг 4-варағидаги билдирги; ишнинг 5-12-варақларидаги далилий ашёни олиш баённомаси, илова қилинган фотосуратлар; ишнинг 64-69-варақларидаги автомашинани кўздан кечириш баённомаси, илова қилинган фотосуратлар; ишнинг 75-варағидаги Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий марказининг Самарқанд вилояти минтақавий филиалининг 2024 йил 16 июлдаги 458-сонли А.Сидиковда «каннабиноидли гиёвандлик» белгилари мавжудлиги, ЖК 96-моддасида кўзда тутилган тиббий йўсинда мажбурий тартибда даволашга муҳтож эканлиги тўғрисидаги далолатномаси; ишнинг 84-87-варақларидаги Самарқанд вилоят ИИБ ЭКМ нинг 2024 йил 20 июлдаги 681-сонли Ш.Мамашариповнинг бошқарувидаги Кобальт русумли 25 В 896 МА давлат рақам белгилли автомашинанинг салонидан топилган икки дона целлофан пакетларга алоҳида қадоқланган яшил рангли, ўткир хидли, куруқ холдаги ўсимлик моддалари таркибида фаол гиёванд модда-тетрагидроканнабинол



мавжуд бўлиб, «марихуана» гиёвандлик моддаси ҳисобланиши, курук ҳолатдаги соф оғирлиги 163,73 граммга тенглиги ҳақидаги хулосаси, илова қилинган фотосуратлар; ишнинг 136-143-варақларидаги айбланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, илова қилинган фотосуратлар ва диск; тушунтириш хатлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Судланувчи А.Сидиковнинг, тақиқланган бир туп «каннабис» ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, парвариш қилиб, етиштирганликдаги ҳамда экиб-етиштирган жами 163,73 грамм кўп миқдордаги «марихуана» гиёвандлик моддаларини келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф тарзда сақлаб келганликдаги айблари суд мажлисида тўлиқ ўз тасдиғини топган бўлиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Сидиковнинг жиноий ҳаракатлари ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан тўғри ва асосли, ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан эса нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 22, 23, 463 ва 467-моддаларида белгиланган талабларга кўра ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси принципларига ҳамда айблов ҳукми чиқариш асосларига риоя қилиб, судланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, судланувчининг кўрсатувлари, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуктаи назардан баҳолаб, қуйидаги мазмунда тўхтамга келиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги Қарорининг 24-бандида жиноятни Жиноят қонунининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси айблов ҳукмининг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланиши, бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши кераклиги, суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли (масалан, жиддий зиён, оғир оқибатлар ва ҳ.к) белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи далилларни келтириши шартлиги кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи А.Сидиковнинг 163,73 грамм кўп миқдордаги «марихуана» гиёвандлик моддасини келгусида ўтказиш мақсадида экиб, парваришлаганликдаги ва келгусида ўтказиш мақсадида сақлаганликдаги айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ унинг ушбу гиёвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига сотишга суиқасд қилганлиги ҳақидаги хулосасига асос бўлган бирор-бир далилни келтирмасдан тахминий қарор қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли «Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 21-бандида ЖК 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозимлиги, бунда воситалар, моддалар, ўсимликлар шахс томонидан бевосита ёки бошқа (масалан, улар сақланадиган жой ҳақида



хабар бериш, шартлашилган жойга қўйиб кетиш) усулда амалга оширилиши мумкинлиги, гиёвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги, мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши кўрсатилган.

Шунга кўра, жами куруқ ҳолатдаги 163,73 грамм кўп миқдордаги «марихуана» гиёвандлик моддалари сақланганлигининг ўзи айбдорнинг гиёвандлик моддаларининг айнан ҳақ эвазига ўтказишга суиқасд қилганликда айбланиш учун етарли далил ҳисобланмайди.

Чунки, А.Сидиков, 163,73 грамм кўп миқдордаги «марихуана» гиёвандлик моддасини сотиш ҳақида бирор-бир шахс билан келишганлиги ёки унинг шунга қаратилган ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тўхтатилганлиги ёхуд унда ушбу воситаларни айнан сотиш йўли билан ўтказиш мақсади бўлганлиги аниқланмаган, бундай далил тўплаб ва мавжуд шубҳани бартараф этиб бўлмайди.

Шу каби, ҳолат, А.Сидиковнинг жиноий фаолияти ушбу тақиқланган 163,73 грамм кўп миқдордаги «марихуана» гиёвандлик моддасини сотиши тўғрисида олинган тезкор маълумот асосида эмас, балки, «Қорадори-2024» тезкор тадбири давомида фош этилган.

Судланувчи А.Сидиковда гиёвандлик воситасини қонунга хилоф тарзда сотиш йўли билан ўтказиш мақсадининг бўлганлиги суд тергови жараёнида тасдиқланмаганлиги сабабли, 163,73 грамм кўп миқдордаги «марихуана» гиёвандлик моддасини бошқа барча усулларда ўтказиш мақсадида экиб, парваришlash ва сақлаш сифатида баҳолаб, А.Сидиковнинг жиноий ҳаракатларини ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан ЖК 273-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилиш лозим топилди.

Суд ҳайъати, судланувчи А.Сидиковга жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи томонларидан айбига иқроор бўлиб, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшини, оилавий аҳволини, соғлиғи ҳолатини, оилали бўлиб, бир нафар фарзанди борлигини, шунингдек жазони оғирлаштирувчи томонларидан паст ниятларда қасддан оғир жиноят содир этганлигини инобатга олди.

Шунингдек, суд ҳайъати, судланувчи А.Сидиковга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг талабидан келиб чиқиб, судланувчи А.Сидиков қасддан оғир жиноят содир этганлиги сабабли, уни озодликдан маҳрум этмасдан туриб, ахлоқан тузатиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги асосли хулосага келиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат йўқлигига асосланиб, унга ЖК 270-моддасининг 1-қисми ва 273-моддасининг 2-қисми билан санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазо чораларини тайинлашни, тайинланган жазоларни ЖК 59-моддаси тартибида қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 50-моддаси 7-қисмининг «б» банди талабидан келиб чиқиб,



жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни, Республика ихтисослаштирилган Наркология илмий-амалий марказининг Самарқанд вилояти минтақавий филиалининг 2024 йил 16 июлдаги 458-сонли А.Сидиковда «каннабиноидли гиёвандлик» белгилари мавжудлиги, ЖК 96-моддасида кўзда тутилган тиббий йўсинда мажбурий тартибда даволашга муҳтож эканлиги тўғрисидаги далолатномасига асосланиб, А.Сидиковни жазони ўташ жойларида гиёвандликдан мажбурий тартибда даволаттириш чораларини қўллашни лозим топди.

Шунингдек суд ҳайъати, ҳукм қонуний кучга киргач, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Самарқанд вилоят бошқармасига сақлаш учун топширилган 163,73 грамм кўп миқдордаги «марихуана» гиёвандлик моддасининг тадқиқот ўтказишдан қолган қисмини (162 грамм) тегишли тартибда йўқ қилиш, судланувчи А.Сидиковнинг яшаш хонадонидан ўтказилган тинтув жараёни ва А.Сидиковнинг кўрсатувларини ҳодиса жойида текшириш тергов ҳаракати жараёни тасвирланган дискни жиноят иши ҳужжатлари билан сақлаш юзасидан чора белгилашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 475-моддаларини қўллаб, ҳукм қилди,

### Ҳ У К М:

Судланувчи Сидиков Адхам Умматкулович, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми ва 273-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилсин.

ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

ЖК 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

ЖК 96-моддасига биноан А.Сидиков жазони ўташ жойларида гиёвандликдан мажбурий тартибда даволаттирилсин.

А.Сидиковга қўлланилган «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилиб, жазони ўташни бошлаш муддати 2024 йил 13 июль кунидан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Самарқанд вилоят бошқармасига сақлаш учун топширилган 163,73 грамм «марихуана» гиёвандлик моддасининг тадқиқот ўтказишдан қолган қисми (162 грамм) тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Судланувчи А.Сидиковнинг яшаш хонадонидан ўтказилган тинтув жараёни ва А.Сидиковнинг кўрсатувларини ҳодиса жойида текшириш тергов ҳаракати жараёни тасвирланган диск жиноят иши ҳужжатлари билан сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар, шу жумладан судланувчи ҳукм нусхасини олган вақтдан бошлаб, ўн сутка муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм



қонуний кучга киргач эса кассация тартибида, шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилишга ва протест келтиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи:**

**А.Абдураззаков**

**Халқ маслаҳатчилари:**

**Д.Нарзикулова**

**С.Жумаева**

